

«ТАСДИҚЛАНГАН»«Universal Sugurta» акциядорларининг йиллик
умумий йиғилиши Раиси

_____ Ирчаева Ш.М.
Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши
баённомаси
«06» 03.2018 йил

**2018-2027 йиллар учун
«Universal Sug`urta» АЖнинг
узоқ муддатли ривожланиш стратегияси**

МУНДАРИЖА:

- 1. Universal Sug`urta» АЖ тўғрисида қисқача маълумот**
- 2. Суғурта бозори тахлили**
- 3. 2017 йил якуни бўйича Компаниянинг суғурта бозоридаги ўрни**
- 4. 2018-2027 йиллар учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси**

«Universal Sug`urta» АЖ тўғрисида қисқача маълумот

1. Компания номи.
**«Universal Sug`urta» Акциядорлик жамияти, қисқача номланиши
«Universal Sug`urta» АЖ.**
2. Мулкчилик шакли:
Акциядорлик жамияти
3. Жойлашган ери ва банк маълумотлари:
**Ўзбекистон Республикаси, 100077 Тошкент ш., Буюк Ипак йули кўчаси 218-220 уй
Банк маълумотлари: х/в 2021 6000 5001 2295 3001 «Универсалбанк» ХАТБ
Тошкент филиали**
4. Солиқ органи номи ва СТИР:
**Тошкент шаҳри Мирзо-Улугбек тумани Давлат Солиқ инспекцияси.
СТИР 200 811 765**
5. Давлат рўйхатидан ўтган рақам ва санаси ва Жамиятни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказган орган:
**Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги:
2003 йил 24 июл 189-сон билан.
2007 йил 19 ноябрь 189-сон билан.- Уставнинг янги тахририни рўйхатдан ўтказиш;
2008 йил 14 январь 189-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2008 йил 2 декабрь 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2009 йил 30 июль 254-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2009 йил 16 декабрь 189-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2009 йил 30 декабрь 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2011 йил 13 июль 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2012 йил 20 июнь 189-сон билан. – Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2014 йил 26 май 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2014 йил 25 июнь 189-сон билан - Уставнинг янги тахририни рўйхатдан ўтказиш;
2014 йил 26 сентябрь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2015 йил 11 июнь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.**

2016 йил 13 декабрь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

2017 йил 14 июнь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия

30.12.2015 йилда СФ № 00210-рақам билан берилган

7. Шакллантирилган устав фондининг миқдори 12 505 660 000 сўмни ташкил этади.

8. Молиявий барқарорлик рейтинги:

«uzA+» - «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан берилган молиявий барқарорликнинг энг юқори даражаси

Суғурта бозори таҳлили

2017 йил якунлари бўйича суғурталовчилар томонидан 927,45 млрд. сўм миқдорига суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, ўтган йил кўрсаткичларига нисбатан 133,9 фоиз ўсганини кўрсатади. Хусусан:

- ихтиёрий турдаги суғурта бўйича мукофот - 694,1 млрд.сўм - 143%га ўсиш
- мажбурий турдаги суғурта бўйича мукофот - 233,34 млрд.сўм – 112%га ўсиш

Шу билан бир қаторда, 2017 йил якунлари бўйича суғуртанинг барча турлари бўйича суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари суммаси умумий қиймати 269,99 млрд сўмни ташкил этади, бу эса ўз навбатида 2016 йил натижасига нисбатан 207% фоиз ўсишни намойиш этади, хусусан:

- ихтиёрий турдаги суғурта бўйича – 202,41 млрд.сўм - 239%га ўсиш;
- мажбурий турдаги суғурта бўйича - 67,58 млрд.сўм – 148%га ўсиш

2017 йил якунлари бўйича суғурта тўловларининг ҳажми динамикаси (ўзгариш суръати) суғурта тўловларининг ўсиш суръати суғурта мукофотини йиғими суръатидан юқорилигини кўрсатади.

2017 йилда суғурта тўловларининг ўсиши ихтиёрий суғурта ҳамда мажбурий суғурта бўйича тўловларни ўсиши ҳисобига тўғри келади.

Шу билан бирга, суғурта мукофотлари зарарлилик даражаси 29,1% ни ташкил этганлигини, бу эса ўтган йил кўрсаткичларидан юқорилигини ва ҳорижий давлатлар бозорига нисбатан паст даражада қолаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Компаниянинг суғурта бозоридаги ўрни

2017 йил якунлари бўйича «Universal Sugurta» АЖ суғурта мукофоти йиғими 14

732,8 млн.сўмни ташкил этган бўлиб, суғурта бозоридаги суғурта мукофотлари умумий ҳажмининг 1.58 %ига тўғри келади ва бозорда 16 ўринни эгаллайди.

2017 йил якунлари бўйича «Universal Sugurta» АЖ ўтган йил натижалари билан таққослаганда, суғурта мукофоти йиғими бўйича тахминан 22%га ўсганлигини кўрсатган.

2017 йил якунлари бўйича суғурта тўловлари ҳажми 1 097,2 млн.сўмни ташкил этиб, бу бозордаги суғурта тўловлари ҳажмининг 0,4% и демакдир, зарарлилик даражаси эса 7,4%ни ташкил этган, бу бозор бўйича ўртача кўрсаткичдан анча пастлигини билдиради. (бозор бўйича зарарлилик даражаси 29,1%ни кўрсатган.

2018-2027 йиллар учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси

2018 - 2027 йилларда Компания фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш зарур:

1. Суғурта мукофотининг тахминий йиғими қуйидагича бўлиши зарур:

Млн.сўм											
№	Номи	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й	2025 й	2026 й	2027 й
1.	Суғуртанинг умумий тури бўйича суғурта мукофоти йиғими	14842	17100	19700	22600	26000	29900	34400	39550	45500	52300
2.	ТВЭ ФЖМС бўйича суғурта мукофоти йиғими	6700	7700	8900	10200	11700	13450	15450	17750	20400	23450
3.	ИБ ФЖМС бўйича суғурта мукофоти йиғими	300	350	400	450	500	575	650	750	850	975
4.	ТФЖМС бўйича суғурта мукофоти йиғими	500	575	660	750	850	975	1120	1300	1500	1725
	Суғурта мукофоти йиғими жами	22 342	25 725	29 660	34 000	39 050	44 900	51 620	59 350	68 250	78 450

2. Янги бўлимларни очиш ва сотиш бўйича бўлимларнинг ишчиларининг миқдорий ва профессионал таркибини ошириш йўли билан Компаниянинг минтақавий тармоқларини доимий ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Компаниянинг сотиш бўйича бўлинмалари ва маъмурий- бошқарув таркиби ишчиларини рағбатлантирувчи тизимларини такомиллаштириш (узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси шартномаларини тузган ҳолда ишчиларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш).
4. Қўшимча янги оргтехникаларни харид қилиш, эскирганларини алмаштириш, ва керакли жиҳозлар ва автотранспорт воситаларини харид қилиш йўли билан Компаниянинг, шу билан бирга унинг минтақавий филиалларининг моддий-техник базасини йиллик тизимли мустаҳкамлаш. (йиллик харид суммаси эскирган техникаларни алмаштириш зарурияти, қўшимча техникаларни харидга қилишга эҳтиёждан, ҳасда уларнинг нархларидан келиб чиққан ҳолда йиллик бизнес-режаларда тўғирланади ва тасдиқланади)

Номи	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2026 й.	2027 й.
Офис жиҳозлари	125	140	160	180	200	225	250	280	300	335
Оргтехника	165	185	200	225	250	280	300	335	375	420
Автомашиналар	950	1 050	1 175	1 300	1 450	1 450	1 600	1 800	2 000	2 250
Жами	1 240	1 375	1 535	1 705	1 900	1 955	2 150	2 415	2 675	3 005

5. Дастурий маҳсулотларни харид қилиш ва татбиқ этиш йўли билан Компаниянинг ҳисоб ва ҳисоботлар тизимини доимий мақбуллаштириш.
6. Компаниянинг устав фондини ошириш (Суғурталовчиларнинг устав фондининг энг кам миқдорига қўйилган талабнинг ўзгариши, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг кўрсатмасига мувофиқ ва заруриятдан келиб чиққан ҳолда).

Таъкидлаш лозимки, келтирилган маълумотлар тахминий кўрсаткичлар бўлиб, улар суғурта бозоридаги бозор вазиятидан, қонунчиликдаги ўзгаришлар, Компаниянинг эҳтиёжи ва нархлар ўзгарувидан келиб чиқиб тўғирланиши мумкин.